Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
TÚRKISTAN
# Жанубий Қозоғистон
1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
janubiy.kz
2023 йил 8 июнь, пайшанба, №62 (3258).

# ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

## ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАРГАРЕТА СЕДЕРФЕЛЬТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



**Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Маргарета Седерфельтга унинг ташрифи Қозоғистон ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.**

Президент парламент дипломатияси давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганига эътибор қаратди.

Шунингдек, кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш ҳақида фикр билдирди.

Маргарета Седерфельт Қозоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси асосий сиёсий институтларнинг тизимли ўзгаришини алоҳида қизиқиш билан кузатиб боришини айтди.

Учрашувда Астана халқаро форумининг (AIF) долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва дунёвий кун тартиби муҳокама қилинди.

**Akorda.kz.**

● Президент

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



**Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Артур Ластаевни қабул қилди.**

Президентга Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан жорий йилнинг ўтган 5 ойида амалга оширилган ишлар натижалари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Омбудсман институти ва унинг ҳудудлардаги ваколатхоналари томонидан мазкур даврда 2318 нафар фуқаронинг мурожаатлари кўриб чиқилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил болалар муассасаларида зўравонликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратяпти. Хусусан, Вакил 213 марта бундай муассасаларга ташриф буюриб, 800дан зиёд тавсиялар берган. Омбудсман ташаббуси билан қийноқ ҳолатлари юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилятпи. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бир қатор махсус тавсиялар берилган.

Учрашув якунида Қасим-Жўмарт Тўқаев тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

**Akorda.kz.**

## МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

### ФРАНЦИЯНИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОМПАНИЯСИ ҚОЗОҒИСТОНГА ЯНА 100 МИЛЛИОН ЕВРО КИРИТИШГА ТАЙЁР

**Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов ва Alstom компаниясининг Африка, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақалари бўйича президенти Эндрю ДеЛеоне «Франция инжиниринг» компаниясининг Қозоғистондаги фаолиятини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.**

ҚР Бош вазири электровозлар ва уларнинг эхтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи Alstom компанияси Қозоғистон темир йўл тармоғини замонавийлаштириш дастурининг асосий иштирокчиларидан бири эканлигини таъкидлади.

ҚР Ҳукумати раҳбари таъкидлаганидек, республикада сармоядорлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари берилятпи, инфратузилма иншоотлари барпо этилятпи ва бошқа қулай шароитлар яратилмоқда. Натижада, хорижий компания иштирокида темир йўл транспорти воситалари, электробуслар ишлаб чиқариш борасида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, учрашув чоғида Қозоғистон Республикаси транзит транспорт соҳасини ривожлантириш истиқболлари, хусусан, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**Primeminister.kz.**

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАД

**Тўлебий туманида аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда хусусий уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш мақсадида янги мавзеларда муҳандислик-коммуникация тизимлари барпо этилмоқда. Айни пайтда 44250 нафар фуқаро ер навбатида турибди. Туманга қарашли 5та аҳоли манзили (Кўксаёқ, Зертас, 1 Мамир, Қаратўбе, Қайнар)нинг муҳандислик-коммуникация тизимларини қуриш учун 248 млн. тенге маблағ ажратилди.**



1 Мамир қишлоғидаги янги мавзеларда 16,4 чақирим ичимли сув қувурлари ётқизилди, 278та симёғоч ўрнатилиб, 8,1 чақирим электр тармоғи тортилди. Мазкур мавзега табиий газ етказиб бериш мақсадида 8781 чақирим газ қувурлари ётқизилиб, ҳисоблагичлар ўрнатилди. Қурилиш ишлари якунлангач, 255 оилага ер участкаси ажратилади.

Бундан ташқари, Қаратўбе қишоғидаги янги мавзедан 302та ер майдони ажратиш режаланган. Айни пайтда ичимли сув ва табиий газ тармоқлари тортилмоқда. Қайнар қишлоғидаги янги мавзега 12,4 чақирим ичимли сув қувури тортилди. Айни пайтда электр тармоқлари тортилмоқда, табиий газ қувурларини ётқизиш бўйича тендер ўтказилмоқда. Янги мавзедан 165 оилага ер участкаси ажратиш режалаштирилган. Кўксаёқ қишлоғидаги янги мавзе орқали 170та ер участкаси берилиши кутилмоқда. Мазкур мавзеда сув, электр тармоқлари ўрнатилиб, 2,4 чақирим ўрта босимли газ қувури тортилди.

Шунингдек, Ленгер шаҳрининг "Алатау" кичик туманидаги янги мавзени электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 850та симёғоч ва 9та трансформатор ўрнатилади. Айни пайтда автомобиль йўллари ва ичимли сув қувурларини тортиш борасида танлов ташкил этилмоқда. Зарур инфратузилма иншоотлари қуриб битказилгач, 1030 оилага ер ажратиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, уй-жой қуриш учун ер участкасига eGov.kz портали орқали навбатга туриш мумкин. Ҳар бир вояга етган Қозоғистон фуқароси 10 сўтих ер участкасига онлайн ариза бериши ва ўз навбатини кузатиши мумкин.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

### ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХИТОЙ БОШ КОНСУЛИ БИЛАН УЧРАШДИ



**Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди Хитой Халқ Республикасининг Алмати шаҳридаги Бош консули Цзян Вэй бошчилигидаги қўшни давлатлар вакиллари билан учрашди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар, шунингдек, инновациялар ва янги технологиялар, икки томонлама йирик лойиҳалар ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар.**

Вилоят ҳокими Туркистон вилояти делегациясининг яқинда Хитойга ташрифидан сўнг қатор шартномалар тузилганини таъкидлади. Бу борада янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Ўз навбатида, Цзян Вэй Қозоғистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Шу жумладан, Туркистон вилояти билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча таклифлар билан ўртоқлашди. Туркистонга илк ташрифидан олган таассуротлари билан ўртоқлашган Цзян Вэй хоним қадим ва навқирон шаҳарнинг қисқа вақт ичида ўзгариб, латиф шаҳарга айланганидан ҳайратда эканлигини яширмади.

– Туркистоннинг бугунги қиёфасини кўриб ҳайратда қолдим. Муҳташам бинолар ва янги иншоотлар жозибали уйғунлик касб этмоқда. Биз бу минтақа билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга тайёрмиз. Туркистон захираларга бой ҳудуд. Қишлоқ хўжалиги, "яшил" энергетика, инфратузилма, савдо ва сайёҳлик соҳаларига сармоя киритиш мумкин. Бу икки томонлама ҳамкорликнинг бошланиши, холос, – деди Цзян Вэй.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ўз нутқида Туркистон вилоятининг Хитой билан чегарадош минтақаларининг халқаро транспорт йўлаги сифатида иқтисодий, сайёҳлик ва бошқа йўналишлардаги сармоявий имкониятларига тўхталди.

Унинг айтишича, Қозоғистон томони ҳам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан манфаатдор. Шу билан бирга, чуқур қайта ишлаш соҳасига сармоя киритишга чақирди.

Шунингдек, Туркистонда фаолиятини тўхтатган Golden Camel Group LTD томонидан бошланган туя сутини қадоқлаш лойиҳасига сармоя киритишни сўради.

Хитойнинг бой тажрибасидан келиб чиқиб, Туркистон минтақасида маҳаллий тадбиркорлар кўмагида заводлар очиш режалаштирилган. Бу борадаги ишлар давом эттирилади. Дархан Сатибалди Туркистон вилояти салоҳиятига алоҳида тўхталиб, тадбиркорликни ривожлантириш ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъкидлади.

– Вилоятимиз табиий конларга бой ва улкан салоҳиятга эга. Бизнинг энг муҳим бойлигимиз – халқимиз жуда меҳнаткаш. Туркистон бизнесга йўналтирилган минтақадир. Бизда 170 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес вакиллари меҳнат қилмоқда. Йилнинг ўн икки ойида ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## ОСИЁ ВА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ



**Эскииқонлик маҳоратли спортчи қизларимиз Жасмина Искандарова 57 кг., Мадҳия Усмонова 50 кг. вазнда эркин кураш бўйича юксак натижаларга эришиб, жаҳон биринчилигига йўлланма олганлигини қувонч билан эътироф этамиз.**

Муталлиб Йўлдошев номли спорт мактаби директори Мамирхон Йўлдошев, эркин кураш спорт федерацияси раиси Раҳматжон Абдусатторовларнинг саъйи-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирамиз. Таъкидлаш жоиз, Ж. Искандарова 10-18 июнь кунлари Қирғизистонда ўтадиган Осиё биринчилигига ҳам йўлланма олган. Июль ойида Туркия давлатида ўтадиган жаҳон биринчилигида спортчи қизларимизга омад ёр бўлсин.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирда:** спортчи қизларни спорт мактаби директори Мамирхон Йўлдошев ва устози Хислат Мамметовлар муборакбод этишди.

● Обуна–2023



## "ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

**Қадрли муштарий!**

*2023 йилнинг иккинчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна мавсуми бошланди. Мустақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан бажармоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.*

*Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бехабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.*

*Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.*

**6 ойга обуна баҳоси:**
**"Қазпошта" ҲЖ орқали –**
**Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;**
**Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 55466**

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:**



# Дархан САТИБАЛДИ: ҚУРУҚ ҲИСОБОТ КИМГА КЕРАК?

**Вилоят ҳокимининг девон мажлисида Туркистон вилоятида ветеринар чора-тадбирларнинг юритилиши, соҳадаги долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ветеринария бошқармаси ўтган йил декабрь ойида ташкил этилган. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди соҳани ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилаётган ишларни танқид қилди.**

Соҳадаги муаммоларга тўхталаркан бошқарма раҳбари Ғани Қурманбай уларни бартараф этиш учун келгуси йиллар бюджет дастурига киритишни таклиф қилди. Вилоятда 186 ветеринария бекати мавжуд. Улардан баъзиларини зарур ускуналар билан таъминлаш зарур. Баҳорда олиб борилган зарарсизлантириш тадбирлари давомида қарийб 6 миллион бош чорва моллари, 50 минг квадрат метр кўра ва унга туташ ҳудудлар дезинфекция қилинди. Энзоотик хасталикларнинг олдини олиш учун 17 дона мотопомпа ва 1500дан зиёд ходим сафарбар этилди, мутахассислар махсус ҳимоя кийимлари билан таъминланди.

– Ветеринария хизматини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш керак. Қуруқ ҳисобот кимга керак? Тушунтириш ишлари етарли эмас. Бизда сони бор, сифати йўқ кузатувчилар кўп. Аммо натижа йўқ. Статистик маълумотлар базасида чорва моллари сонидаги фарқлар қайд этилиб, икки хил маълумот шаклланган. Мен бу масалани созлашни топшираман. Ўтган йили соҳада янги бошқарма ташкил этиш таклифи илгари сурилган эди. У тузилди. Энди ишни тизимли равишда кучайтириш лозим. Қўшни ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳам эътиборга олинсин, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

Вилоятда ҳайвонлар ва одамлар учун умумий бўлган 16 хил хавфли касалликлар қайд этилган. Хасталикларнинг олдини олиш учун ўз вақтида ветеринария тадбирларини ўтказиш, яъни ташҳисли тадқиқотлар ва эмлаш орқали эпизоотик барқарорликни таъминлаш даркор. Мажлисда аниқланган камчиликларга айрим маълумотлар базаларининг нотўғри юритилиши ва ундаги маълумотларнинг янгиланмаганлиги, шунингдек, юкланган вазифаларнинг муддатида бажарилмаганлиги сабаб бўлган.

**Туркистон вилоят ҳокими девонининг мажлисида соғликни сақлаш соҳасидаги долзарб масалалар, тез ёрдам хизматининг фаолияти муҳокама қилинди.**

**Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди соғликни сақлаш соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давом эттирилишини айтиб, бошқарма бошлиғи ва бош шифокорларга шу йўналишдаги тадбирларни кучайтиришни топширди.**

# ТЕЗ ЁРДАМ ВА ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР

– Туман ва шаҳарларда бўлганимизда тиббиёт соҳасида муаммолар кўплигига амин бўлдик. Айрим ҳудудларда тиббиёт муассасаларининг ҳолати қониқарсиз. Бундан ташқари, аҳолидан ҳам шикоят ва аризалар келиб тушмоқда. 1414 ягона алоқани қўллаб-қувватлаш маркази орқали 221та шикоят келган. Уларнинг аксарияти – Сариоғоч, Сайрам, Тулкибош ва Жетисай туманларидан. Шунингдек, 109 ягона алоқа маркази орқали тез ёрдам хизматига доир 25та қўнғироқ рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти тез ёрдам машиналарининг кечикишидан шикоят қилган. Муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилиш керак. Шифокорларнинг аҳоли билан мулоқотини яхшилаш, тиббиёт муассасаларини жиҳозлар билан таъминлашни жонлантириш зарур. Биз долзарб масалаларни мунтазам муҳокама қилиб, ёрдам беришга тайёрмиз, – деди Дархан Сатибалди.

Вилоят соғликни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдуалиевнинг айтишича, минтақадаги 2 миллиондан зиёд аҳолига 216та бригада тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатади, бу албатта оз. Вилоят тез тиббий ёрдам станциясининг 6та шаҳар, 17та туман бўлими мавжуд. Бекатларда санитария автомашиналарининг сони 190та.

Йиғилишда эски автомобилларни янгисига алмаштириш, мутахассис, шифокорлар тақчиллигини бартараф этиш, станцияларнинг техник базаларини янгилаш, 103 алоқа хизматини яхшилаш масалалари таҳлил қилиниб, таклифлар айтилди.

# ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ЖОНЛАНТИРИЛАДИ

**Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ишлари минтақа раҳбарининг доимий назоратида. Мавзуга доир навбатдаги мажлисда ушбу масалалар муҳокама қилиниб, ўзи бошқараётган ҳудудни ободонлаштира олмаётган туман, шаҳар ҳокимлари танқид қилиниб, огоҳлантирилди.**

– Туман ва шаҳарларни ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш, тозалик масаласи ўтган йилдан буён айтиб келинмоқда. Шундай бўлишига қарамай, бирор бир туман ёки шаҳарда тизимли иш йўқ. Девон ушбу ишларни қатъий назорат қилиши зарур. Ҳар бир туман-шаҳарнинг ободонлаштиришга оид чора-тадбирлар режаси ва ижро муддати бўлиши лозим. Айниқса, халқаро автойўллар атрофи тоза бўлишига эътибор қаратилсин. Туркистон шаҳри сайёҳлар учун қулай, озода бўлиши муҳим. Давлат дастури орқали жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларни мазкур тадбирларга сафарбар этиш керак. Умуман олганда, аҳоли манзилларидаги тозалик ишларига бошқармалар ҳам ҳисса қўшсин, – деди Дархан Сатибалди.

Вилоят ҳокими девонининг ташкилий-назорат иши ва ҳудудий ривожланиш бўлими раҳбари М. Алипов туман, шаҳарларни ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ва тозалик ишлари бўйича юритилган текширув тадбирларининг натижалари юзасидан маълумот берди. Байдибек, Сайрам, Тулкибош, Сариоғоч, Келес туманлари ва Арис шаҳри кўчаларида чиқиндиларни йиғиш, ўтларни ўриш, дарахтларни оқлаш ишларигина кўрсатилмоқда. Йўл бўйидаги уйларни тартибга келтиришга эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, истироҳат боғлари, хиёбонлар, дам олиш масканларида олиб борилаётган ишлар суст. Кўп қаватли уйларнинг қиёфасини тартибга келтириш юзасидан Тўлебий, Чордара, Ўрдабоши туманлари ва Кентов шаҳригина атрофлича иш юритмоқда. Баъзи жойларда ишлар сифатсиз бажарилган.

Мажлисда уй ва биноларни оқлаш, ранг бериш, пиёдалар йўлагини тартибга келтириш, ўйин майдонларини созлаш, одамларга қулайлик яратиш ишларини жонлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

# ҚХА ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

**Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXXII сессиясида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҚХА ва сиёсий партияларни бирлашиб, эл бирлиги йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилишни топширди. Президентимиз топшириғи доирасида Туркистон минтақасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.**



Шу муносабат билан Қозоғистон халқи Туркистон вилояти Ассамблеяси ва сиёсий партиялар вилоят бўлимларининг қўшма йиғилиши ўтди.

Йиғилишни Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари – Қозоғистон халқи вилоят Ассамблеяси раиси ўринбосари Бейсен Тажибаев олиб борди ва мазкур йиғилиш юрт бирлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қўшма йиғилишда вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Ансар Ўсербаев, сиёсий партиялар вилоят бўлимлари раҳбарлари, вилоят ҚХА тузилмалари ва этномаданият бирлашмалари раислари иштирок этди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят ҚХА раиси ўринбосари Бейсен Тажибаев ва сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари билан меморандум имзоланди.

– Мазкур меморандум томонларнинг ижтимоий тотувлик ва миллий бирдамликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган. Юрт осойишталиги йўлида ўз кучини бирлаштирган маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий ташкилотлар, жамоат фаолларининг ҳамкорлиги жамиятнинг кучини мустаҳкамлайди, – деди Бейсен Даулетули.

Тадбирда сиёсий партиялар ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари меморандумнинг эл бирлигини сақлашдаги аҳамиятини таъкидлаб, жамоат ишларини биргаликда адо этишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Йиғилиш якунида ижтимоий тотувликни сақлаш таклифлари илгари сурилди.

# ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ЎТДИ

**2-4 июнь кунлари Аулиеата вилоятида “Тараз – ҳунармандлар шаҳри” номли II халқаро ҳунармандлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда хорижлик ва элимизнинг ҳунармандлари иштирок этди. Туркистон вилоятидан “Turkistan Qol Oner Иттифоқи” аъзолари томонидан тайёрланган энг яхши маҳсулотлар кўргазмаси тақдим этилди.**



“Turkistan Qol Oner Иттифоқи”нинг раиси Индира Икапова бошчилигидаги вилоят делегацияси таркибида кулол Жанузақ Еримбетов, жундан буюм ясовчи Мўлдир Абишова ва декоратив-амалий санъат устаси Эльмира Шермуханбетова каби ҳунармандлар бор эди.

Халқаро кўргазма доирасида Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича вице-президенти Азиз Муртазаев, “Асыл дизайн” модалар уйидаги “Аспара” бренди бош дизайнери Айдархан Қалиев каби ҳунарманд усталар туркистонликларнинг меҳнатини юқори баҳолашди. Кўргазма иштирокчилари фикр алмашдилар, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Халқаро кўргазма якунида Жамбил вилояти ҳокимлиги сайёҳлик бошқармаси раҳбари Биржан Кузембеков вилоят ҳунармандларига миннатдорчилик билдириб, сертификатлар тақдим этди.

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Туризм соҳасини ривожлантириш Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан белгиланган асосий вазифалардан биридир. Бу борада сайёҳлик инфратузилмасини яхшилаш, жумладан, меҳмонхоналар ва сайёҳлик мажмуалари барпо этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Қозоғистон учун Хитой дунёдаги энг йирик иқтисодиётга кириш эшиги, Хитой учун эса мамлакатимиз ЕОИИ ҳамда Жануби-Шарқий Осиё, Кавказ ва Европа бозорларига тезкор логистика йўналишларини очади, – деди Дархан Сатибалди.

Яқин кунларда Туркистон вилоятининг туман ҳокимлари ва тадбиркорлик вакиллари Хитойга ташриф буюриб, тажриба алмашишади. Мақсад – Туркистон вилоятида маҳаллий тадбиркорлар кўмагида заводлар очиш. Одамларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш.

Учрашувда турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Томонлар иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни чуқурлаштириш, Туркистон вилоятининг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш юзасидан фикр алмашдилар.

# “ОТА ЙЎЛИ” ХАРИТАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**2023 йил июль ойидан эътиборан чет мамлакатларда яшовчи этник қозоқлар “Ота йўли” харитасини олишлари ва Қозоғистонга киришнинг соддалаштирилган имкониятидан фойдаланишлари мумкин.**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълум қилишича, “Ота йўли” харитасини жорий этишдан мақсад – тарихий ватан билан алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий анъаналари асраб-авайлаш, мамлакатимизга касбий ва муваффақиятли ишбилармонларни жалб этишдан иборат.

Харита чет элда истиқомат қилувчи этник қозоқларга фуқаролигини сақлаб қолган ҳолда берилади. “Ота йўли” харитаси соҳиблари мамлакатга кириш 10 йил муддатга яшаш учун рухсатнома оладилар.

“Ота йўли” харитаси соҳиби бўлган этник қозоқ бошқа давлат фуқароси бўлсада, Қозоғистон Республикаси фуқаролари ва қондошлар билан тенг ҳуқуқли бўлади.

«Ота йўли» харитаси соҳиби:

- тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий муассасаларда ижтимоий тўловлар ва хизматлар кўрсатиш;

- Қозоғистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” ва Қозоғистон Республикасининг “Аҳоли миграцияси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Қозоғистон Республикаси ҳудудида ишга жойлашиш;

- Қозоғистон Республикасининг Тадбиркорлик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қозоғистон ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;

- Қозоғистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҚР Қонунига мувофиқ давлат таълим муассасаларида бепул ўрта таълим, давлат махсус ёки олий таълим муассасаларида танлов асосида бепул ўрта ёки олий таълим, хусусий таълим муассасаларида пуллик таълим;

- Қозоғистон Республикасининг “Адвокатура ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги ҚР Қонунига мувофиқ давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқий ёрдам олиш;

- Қозоғистон Республикаси фуқаролиги соҳасидаги халқаро шартномаларга ва Қозоғистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, у Қозоғистон Республикаси фуқаролигини соддалаштирилган тартибда олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

“Ота йўли” харитасига эга бўлган шахслар Қозоғистон Республикасининг давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш, республика референдумида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, давлат хизматига кира олмайди.

Бундан ташқари, агар “Ота йўли” харитаси соҳиби Қозоғистон фуқаролигини олса, унинг харитаси яроқсиз ҳисобланади.

«Ота йўли» харитаси эгалари иш ёки бизнес учун яшаш ҳудудини мустақил равишда танлашлари мумкин.

**Қасим-Жўмарт Тўқаев ЕИҲТ Бош котиби Хельга Шмид билан учрашди.**

● Янги Қозоғистон бунёдкорлари

**Тўлебий туманининг 1-Май қишлоғидаги "Балмуздақ" МЧБ ўзининг илк йирик савдо уйини Туркистон шаҳрида ташкил этиши бежиз эмас, албатта. Ғарб билан Шарқни боғловчи халқаро автомобиль йўли ҳамда йирик темирйўл тармоғи бўйида жойлашган қадимий шаҳар ҳар қандай бизнес учун янги имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз.**



# ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

Куни кеча омбор-иншоотнинг расмий очилиш маросимида Ўранғай қишлоғи ҳокими Сиздиқ Пирметов, Шимкент шаҳар Ал-Фаробий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шуҳрат Рўзиметов, "Балмуздақ" корхонасининг россиялик ҳамкори Рудольф Разеевич, Сариоғоч бўлими раҳбари Рисбек Мавленовлар сўзга чиқиб, янги иш ўринларини бунёд этаётган ёш тадбиркорлар Элёр ва Дилафрўзхон Турдиевларга миннатдорчилик билдирдилар.

Таниқли тадбиркор ва меценат, ҚР Президентининг "Алтын сапа" миллий мукофоти соҳиби, "Жанубий Қозоғистон" газетасининг азалий дўстларидан бири Адҳам Турдиев ва умр йўлдоши Қутбиниса Ниёзқул қизи асос солган ушбу корхонанинг мазали музқаймоқлари республикамиз ва хорижда машҳур. Музқаймоқларнинг 50дан ортиқ тури, "Туркистон" бренди остида турли шоколадлар, яримтайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистонда ҳам самарали фаолият юритмоқда. Тадбиркор Жаҳонгир Рўзиметов таъбири билан айтганда, фирма маҳсулотларини Европа бозорига олиб чиқишни ният қилган. "Балмуздақ" соҳиби Элёр келажакда бу маррани ҳам забт этишига ишончимиз комил.

**Саид ХАЙРУЛЛОҲ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.



# БЕҒУБОРЛИК БАЙРАМИ



Фарзанд – ҳаётимиз давомчиси, кўзимизнинг қувончи, миллатимизнинг эртаси. Мустақил ва фаровон юртдагина боланинг беғубор кулгиси доим янграб туради. Бу беғуборлик инсониятга ажиб ҳисларни тақдим этади.

1950 йили илк бор 1 июнда Халқаро болалар куни эълон қилиниб, ўша йилдан эътиборан бу байрам йил сайин нишонланиб келади. Ушбу кунни нишонлашдан бош мақсад – жамиятда болаларга ўзгача бир эътибор, меҳр туйғусини шакллантириш, уларни меҳр-мурувват билан вояга етказиш. Фаровон даврда қувончга ошуфта ўсаётган боланинг келажаги ҳам порлоқ бўлиши шубҳасиз. Болалик пайтида тақдим этилган эзгу муносабат унинг келажагига бевосита ижобий таъсирини ўтказади. Айниқса, ота-онанинг муносабати, меҳр-муҳаббати боланинг руҳан баркамол вояга етишида муҳим омиллардан бири. Болаларимизга ҳақиқатан ҳам подшолик даври, беғубор болалигини ҳадя этиб, уларнинг бетакрор ва самимиятга тўла дамлари кўпроқ бўлишини таъминлайлик.

**Б. АЙТБАЕВ,**
**вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси**
**«Жамоат тотувлиги» ДККнинг**
**Сайрам туман бўлими бошлиғи.**

# БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Манкент қишлоқ кутубхонаси ташаббуси билан маданият уйида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб "Эртаклар оқшоми" ўтказилди. Байрам тадбирида имконияти чекланган болалар иштирок этишди. Уйда таълим оладиган бундай болалар жамият эътиборида эканликларини англатиш ва ҳаётига ижобий ўзгариш киритиш тадбирнинг бош мақсади.**




Байрам тадбирини Сайрам туман маслаҳати депутати Шамҳат Холмуродов очди. Манкент қишлоғи ҳокимининг ўринбосари Шавкат Сиддиқов, Сайрам туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимининг "Уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш" ДКК бўлим мудираси Куляш Дўсқараева болаларни табриклаб, эзгу ниятларини изҳор этишди. Сайрам туман маслаҳати депутати Мунаввар Убайдуллаева ва Манкент қишлоғи "Оналар кенгаши"нинг раисаси Сайёра Довонова ҳомийлигида 66 нафар имконияти чекланган болага совғалар топширилди.

Тадбирда алоҳида парваришталаб болалар ижодларидан намуналар намойиш этилиб, байрамга файз бағишлашди. Шу билан бирга кутубхонанинг фаол китобхонлари жонли овозда қўшиқ куйлаб, рақслар ижро этишди. Тадбирда иштирок этаётган ота-оналар тадбирни уюштиришда бош-қош бўлган ижтимоий соҳа ходимлари ва депутатларга миннатдорчилик изҳор этишди.

Қишлоқ кутубхонаси ходимаси Азиза Султонқулова "Эртаклар оламида" мавзуидаги китоб кўргазмасини китобхонлар эътиборига ҳавола қилди.

– Мактаб ўқувчилари иштирокида кўплаб тадбирлар ўтказиб турамиз. Шу билан бирга имконияти чекланган болаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз. Болаларни ҳимоя қилиш куни ажойиб байрамлардан бири. Бу кун ҳар бир бола ўзининг жамиятга ҳақиқатан ҳам керак эканлигини ҳис этиши керак, – дейди А. Султонқулова.

**Ғ. ИРИСКЕЛДИЕВ.**

# МАСЪУЛИЯТ ЮКИ ЗАЛВОРЛИ



**1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида учинчи мегаполисдаги "Эдем" мажмуасида чўмилиш мавсуми очилиб, болаларга "Балмуздақ" компаниясининг мазали музқаймоқлари тарқатилди, "шоу-дастур"лар намойиш этилди. Шаҳар чеккасидаги соя-салқин гўшада жойлашган мазкур иншоотнинг болалар ва катталарга мўлжалланган ҳовузларида дастлабки мижозлар мазза қилиб чўмилиб, танага ҳузур бағишлашди. Болалар уйларининг тарбияланувчиларига совға-саломлар тарқатилди, яхна ичимлик ва таомлар берилди.**



Фурсатдан фойдаланиб, "Эдем"нинг соҳиблари: эр-хотин Дониёр ва Азиза ТУРДИЕВлар билан мулоқотда бўлдик. Чўмилиш қоидалари-ю, умуман кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Халқаро андазалар билан маҳаллий қоидаларни ўзаро таққослаб ҳам кўрдик.

**– Ёзнинг жазирама кунлари бошланяпти, бизда денгиз йўқ, дарёларда чўмилиш эса тақиқланган. Каттаю-кичик ўзини сув ҳавзаларига, аквапарк-бассейнларга "уриши" аниқ. "Эдем" ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

– Мазкур иншоот 2011 йилда ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган коттежлар сифатида очилган эди. 2013 йилда икки қаватли меҳмонхонага айланди. 2016 йилда эса ҳовуз ишга туширилди. Ўтган йили ресторан, 50 ўринли ҳашаматли меҳмонхона ("отель-люкс") ҳам қўшилиб, катта мажмуа сифатида фойдаланишга топширилди. Бассейн ишга туширилгач, рости, ишимиз кўпайди. Чунки сув ҳавзаларимиз барча ёш тоифасига мўлжалланган. 3 ёшгача бўлган кичкинтойларга кириш чиптаси бепул. 3 ёшдан – 2 минг, катталарга эса – 4 минг тенге. "Бар", ошхона, савдо дўкони хизматлари йўлга қўйилган. Қутқарувчилар ва бошқа ходимлар ҳам хизматга шай.

**– Чўмилиш қоидаларига тўхталиб ўтсангиз, фаолиятингиздаги қайси муаммолардан ташвишдасиз?**

– Қоидага кўра юқумли, ўткир вирусли ва тери хасталиклари билан оғриган шахслар, очиқ яралари борлар ҳовузга туширилмайди. Бундан ташқари, руҳий касалликка чалинган, жарроҳи қилинган, аллергияси бор беморларнинг ҳам сувга тушиши тақиқланади. Болалар қандли диабетга чалинган ёки аутизм билан оғриса, уларга ҳам эҳтиёткорлик даркор. Спиртли ичимлик ичган ёки гиёҳвандлик, психотроп моддалар таъсиридагилар ҳам сувга тушмаслиги керак. Афсуски, бизда айрим фуқаролар бу қоидаларга амал қилишмайди. Қўриқчиларимиз бошқаларга зиён-зарари етиши мумкин бўлган буюмларни олиб киришга уринган фуқароларни ичкарига қўймайди, албатта. Лекин, барибир, одам кўп пайтда қоидаларга тўлиқ риоя қилиш қийин.

Мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлган Азиза Турдиева турмуш ўртоғининг фикрларини тўлдирди.

– Хориждаги аквапарк ёки ёзги дам олиш масканларига борганимизда,

> ***Қоидага кўра юқумли, ўткир вирусли ва тери хасталиклари билан оғриган шахслар, очиқ яралари борлар ҳовузга туширилмайди. Бундан ташқари, руҳий касалликка чалинган, жарроҳи қилинган, аллергияси бор беморларнинг ҳам сувга тушиши тақиқланади. Болалар қандли диабетга чалинган ёки аутизм билан оғриса, уларга ҳам эҳтиёткорлик даркор.***

қизиқ ҳолатларга дуч келдик. Бизда мижозларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар олиб кириши тақиқланмайди. Хорижда эса, мижозлар синчков текширилади. Ҳаттоки, ёш болаларнинг таомлари ҳам назорат остида. Шунинг учун, аҳолига чўмилиш қоидаларини ўргатиш муҳим. Масалан, плиткалар устида йиқилиш ва жароҳатларнинг олдини олиш учун ташриф буюрувчиларга югуриш, бақириш, бир-бирини сувга итариш, қутқарувчиларни керак бўлмаса ҳам ёрдамга чақириш мумкин эмаслигини ўргатиш керак. Ҳомиладор аёллар эса шифокор маслаҳатидан кейин келиши керак. Дам олувчиларнинг электр анжомларига сув ёки бошқа суюқлик қуйиши тақиқланади. Оёқ кийимлари ёки сочиқларини дуч келган жойда қолдириш ҳам кўп учрайдиган ҳол. 2 ёшгача бўлган болаларда эса сузиш учун памперс ва махсус жилетлар бўлиши шарт. Бизда айрим оналар ўзлари билан овора бўлиб, кичик ёшдаги болаларини қаровсиз қолдиришади. Хуллас, мавсумда ҳар кунимиз масъулият ва қаттиқ толиқиш билан ўтади.

**– Ҳовуз суви алмаштирилиши, умуман иншоотнинг санитария-гигиена ҳолати қандай?**

– Сув эскиришга улгурмайди ҳам, ҳар куни устига тоза сув қуйилади, фильтр, махсус механизмлар ишлаб турибди. Қоидага кўра, бассейн суви 22-23 даражадан ошмаслиги керак. Чунки совуқ сувда чўмилиш томир тортишишига олиб келади. Тозалик – энг асосий масала. Кимёвий ювиш воситалари учун маблағ аямаймиз, Алматидан келтирамиз.

Тўлебий туманида жойлашган машҳур "Балмуздақ" корхонасининг асосчиси – Адҳам ака ва Қутбиниса опалар хонадонининг муносиб давомчилари: Дониёр ва Азизалар, ўз ишининг усталари. Ёз – болалар ҳордиғи, югуриш ва чўмилиш мумкин бўлган ажойиб ва унумдор вақт. Шимкент шаҳридаги "Эдем" жамоаси эса ушбу мавсумни ташкил этишга астойдил тайёргарлик кўрди. Мабодо ёз ойларида фарзандларингиз вақтини мароқли ўтказиб, ҳам соғлом, ҳам чиниққан бўлишини истасангиз, йўриқчи-қутқарувчилар ҳамроҳлигида, ҳар дам олиш кунлари унутилмас дастурларга тўла, табиат қўйнида, шабада эсиб турган шароитда, хушбўй кабоблару, музқаймоқлар билан ўтишини хоҳласангиз, "Эдем"га марҳамат!

> ***Хорижда эса, мижозлар синчков текширилади. Ҳаттоки, ёш болаларнинг таомлари ҳам назорат остида. Бу энг аввало, аҳоли соғлиги ва хавфсизлиги учун керак. Шунинг учун, аҳолига чўмилиш қоидаларини ўргатиш муҳим.***

**Н. МАВЛОНОВА.**

● Обуначиларимиз орасида

# ЭЛ СУЙГАН ҲОФИЗ



**Туркистон вилоятида таниқли, машҳур ҳофиз Ботирхон Тўрахонов 70 йиллик юбилейини нишонлаш тараддудида. Эл эъзозидаги ҳофиз, қадрдон дўстим ҳақида ушбу мақолани тайёрлашни муқаддас фарз деб биламан.**



Ботирхон Эргашбой ўғли 1953 йили 25 декабрда Туркистон шаҳрида темирйўлчилар оиласида дунёга келди. Шаҳардаги Ғ. Муратбаев номли мактабда ўрта маълумот олди. Ёшлигидан санъатга иштиёқи туфайли Жунай сурнайчи ёнида доира чалиб, тўйларда хизмат қилди. Тошкент темирйўлчилар техникумини 1973 йили тамомлаб, Совет армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб келди. Туркистонда машҳур санъаткор Ҳамид Мутановни устоз билиб, шогирд сифатида қўшиқни маромига етказиб ижро этиш сирларини ўрганди.

Тошкент маданий оқартув техникумини қўшиқчилик санъати бўйича аълога тамомлаб, дастлаб Шароф Ниёзов номли сўнгра Алишер Навоий номли мактабларда мусиқа фанидан дарс берди. 1995 йили Тошкент давлат Низомий номидаги педагогика олийгоҳида сиртдан ўқиб, олий маълумот соҳиби бўлди. Туркистондаги Талғат Бигелдинов номли мактабда 10 йилдан зиёд мусиқа фанидан ёшларга сабоқ берди. Кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Йиллар давомида Ботир Эргашбой ўғли Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси таркибида вилоят маркази – Шимкент шаҳридаги Абай истироҳат боғида ўтказиладиган анъанавий “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” байрамида ҳурматли ҳофиз сифатида мумтоз қўшиқлари билан фаол иштирок этди. Шаҳар, вилоят, республика кўламидаги санъат танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб, диплом ва медаллар билан тақдирланган.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибидаги ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раислари Ғофур Қосимов, Икром Ҳошимжонов, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раислари Эрназар Рўзиматов, Дониш Маннотов, Баҳодир Ирисметовлар томонидан ўзбек маданияти, санъати ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун диплом ва ташаккурномалар билан тақдирланганлиги шонли тарих. Шоир Эрназар Рўзиматовнинг буюк адиб Абай Қунанбаевга бағишланган ижодига ҳамда каминанинг “Қўшкўрғон фарзандиман” шеърига қўшиқ басталаб маромига етказиб ижро этгани ҳам теран истеъдоддан далолат. ССЖИ халқ депутати Шароф Ниёзовнинг тадбиркор ўғли Назар Шаропов мириқиб тинглайдиган ҳофизлардан бири – Ботирхон.

Ўтган йили Ш. Ниёзовнинг 135 йиллиги шарафига Шавкат Назар ўғли хонадонида ўтган тадбирда ҳам Ботирхон ҳофиз ўғли Холмурод билан мухлисларини шод этди. Туркистон, Шимкент, Сайрам, Қорабулоқ, Жамбил, Кентов ва бошқа ҳудудларда Ботирхон ҳофизнинг минглаб мухлислари мавжудлиги санъаткорнинг ўзига хос ижро маҳоратидан далолат.

Оила муқаддас қўрғон. 46 йил муқаддам Инобат Абдумуталлиб қизи билан оила қуриб, Холмурод, Гулчеҳра, Нилуфар, Динора исмли қобил фарзандлар тарбиялашади. Ширин-шакар невара ва эваралар оила ишончи ва қувончи.

**Поччахон БОБОЖОНОВ,**
**Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.**

**Тасвирларда:** Ботирхон Тўрахонов; оила даврасида.

***P.S.*** *Эл суйган ва эъзозлаган ҳофиз дўстим Ботирхон Эргашбой ўғлини 70 йиллик юбилейи муносабати билан муборакбод этиб мустаҳкам саломатлик, невара-эвара, чеваралар камолини кўриш ҳамда мухлисларни янги жозибали қўшиқлар билан хушнуд этиш саодатини тилайман. “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти ҳам доимий обуначимиз Ботирхон ҳофизга аталган эзгу ниятлар ижобати тарафдори.*

# ҲАРБИЙ-ДАЛА МАШҒУЛОТИ ЯКУНЛАНДИ



**Шимкент аграр-техника коллежи талабалари иштирокида ҳарбий-дала йиғини ўтди.**

Тадбирдан кўзланган мақсад – ёшларни она Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат эди.

Муассасада ҳарбий-ватанпарварлик оромгоҳи ташкил этилиб, ўғил болалар учун ҳарбий-тактик ўқув машғулотлари, сафда юриш машқлари уюштирилди, қизлар эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргандилар.

Ҳарбий-дала йиғинининг ёпилиш маросимида афғон уруши фахрийлари, “Мурагер” республика жамоат бирлашмаси вакиллари иштирок этдилар. Унда ҳарбий-дала йиғини бошлиғи, коллеж директори Марс Елекеев сўзга чиқиб, тадбирнинг муваффақиятли якунлангани билан барчани табриклади. Фаол иштирок этган ёш аскарлар ва ўқитувчилар тақдирланди.

Сайрам тиббиёт коллежи директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Асия Кебеева тадбирнинг юқори савияда ўтганини таъкидлади. Маросим курсантлар томонидан тайёрланган концерт дастури билан поёнига етди.

**Абдумутал ИСРОИЛОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

● Ҳамза номли мактабнинг 105 йиллигига

# МАКТАБНИ ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ ТАМОМЛАГАНЛАР



**Доимий обуначиларимиз, турли соҳаларда самарали меҳнат қилган Баҳром Абдусатторов, Ҳасан Нишонов, Аминжон Холтоев, Ибодулла Абдуллаев, Рўзибой Ҳамидуллаевлар Ҳамза номли мактабни 50 йил муқаддам – 1973 йили тамомлаган собиқ битирувчилар учрашувига таклиф қилишди.**



Таниқли тадбиркор Ғайрат Маҳкамбой ўғли бунёд этган муҳташам VERSAL мажмуасида сўнгги қўнғироқ тадбири куни Ҳамза номли мактабни тамомлаган 102 битирувчидан 51 нафари (34 нафари оламдан ўтган, 17 нафари иштирок этолмади) “Дийдор ширин” учрашувида тўкин дастурхон атрофида бош қўшдилар. Оламдан ўтган ўқитувчилар, синфдошлар руҳига Қуръон тиловат қилинди. Устоз-мураббийлар Абдулла Масодиқов, Гулсин Иброҳимова, Сарвар Хайруллаева ва Сарвар Холметоваларга иззат-икром кўрсатилиб, совғалар топширилди. Тадбирга келолмаган уч муаллимнинг совға саломлари уйларига етказиб берилди.

Томчида қуёш акс этгани каби, Туркистон вилоятининг шаҳар ва туманлари, шунингдек, қўшни Ўзбекистон, Қорақалпоғистондан Назира Абдураззоқова, Гулнора Раҳимова, Карима Маҳкамбоева, Турсун Отаева, Йўлдошбой Юсуповларнинг учрашув учун Туркистон шаҳрига ташрифи таҳсинга лойиқ.

Шаҳар ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги бўлимида фаолият юритган Бахтиёр Неъматов, “Туркистон” газетасининг собиқ муҳаррири Ўктам Анорбоевалар ҳам собиқ битирувчилардан. Ўша даврдаги мактаб директорлари Поччахон Баротов, Абдуҳошим Жумадуллаевлар раҳбарлигида меҳнат қилган заҳматкаш мураббийлар Лола Ризохўжаева ҳамда Нуриддин Қўрғоновлар синф раҳбарлари бўлган эди. Битирувчилар ушбу учрашувдан оламолам таассурот олиб беғубор болалик, самимий ўсмирлик чоғларини ёд этишди, ташкилотчиларга самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган кўҳна ўқув даргоҳи – Ҳамза номли мактабнинг 105 йиллиги жорий йил октябрь ойида ўтади. Ниятларимиз ижобатини берсин.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** “Дийдор ширин” тадбири ташкилотчилари; устоз Гулсин Иброҳимова.

**Муаллиф суратга олган.**

# ЎТАЁТГАН КУНЛАР МАСЪУЛИЯТИ

**Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамов табиатан заҳматкаш, тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз жонкуяри. 74 ёшни қаршилаётган эсада, жамоат ташкилотига самарали раҳбарлик қилмоқда. Ҳамқишлоқлари – Алмати шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор Абдулла Исматуллаев ҳамда қорачиқлик Сафо Абдукаримовлар ҳомийлигидаги ҳамда ўзи обуна қилдираётган “Жанубий Қозоғистон” газетасини ҳафта сайин масжид, мактаб орқали муштарийларига етказишга камарбаста.**



Газетамизда Мирзахон аканинг падари бузруквори, Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этган моҳир деҳқон, Улуғ Ватан уруши фахрийси Адҳам Мусабеков ҳақида қатор ибратли мақолалар чоп этилган. Жорий йил февраль ойида А. Навоий таваллудига боғлиқ тадбирлар боис Мирзахон аканинг тадбиркор ўғли Муслимжон билан шаҳардан Қорачиққа тушлик чоғида бирга бордик. Келин Нигора Оллоберган қизи тайёрлаган мазали таомни дастурхонга элтди. Ибрат олганим Мирзахон ака таом тановулидан сўнг коса юқини аввал нон бурдаси билан артиб, еб, сўнгра бир пиёла чой қуйиб, чайиб ичиб, топ-тоза қилиб қўйгани бўлди.

– Отамиз раҳматлик шундай қиларди ва бунинг савоби мўл, деб айтарди, – изоҳ берди Мирзахон ака.

Жорий йил февраль ойида Мирзахон ака ҳамда Қодир акалар билан Туркистон шаҳридаги А. Навоий, Ҳамза номли, Саврон туманидаги А. Югнакий номли, Қарноқ қишлоғидаги М. Қошғарий номли, Кентов шаҳридаги А. Навоий номли мактабларда Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирларда иштирок этдик. М. Адҳамов Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида А. Навоий мақбарасини зиёрат қилган саноқли ҳамюртларимиздан бири, Қ. Аҳмедов эса “Жанубий Қозоғистон” обунасида 120 нусхалик кўрсаткичи билан кўпчиликка ибрат.

Баҳодир Ирисметов, Қурбонбой Ирисбеков, Бекзод Ҳабибов ва Санобар Самиева ҳомийлигида ўтган тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти залворли бўлди. Мирзахон ака Ҳирот сафари таассуротларини гапириб, суратларга изоҳ, саволларга атрофлича жавоб берди.

Мирзахон Адҳамовни таваллуд айёми билан муборакбод этарканмиз, унга Музаффар, Маҳмуджон, Мўминжон, Муслимжон исмли қобил фарзандлар, невара, эвара, чеваралар камолини, тўю тантаналарини кўриш насиб этаверсин, деймиз.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирда:** Мирзахон ака ўғли Муслимжон билан.

**Муаллиф суратга олган.**

# ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБИ




**Туркияда эшитиш, кўриш ва таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бўлган спортчилар ўртасида шашкадан жаҳон чемпионати ўтди.**

Кўришда нуқсони бўлган спортчилар ўртасида қозоғистонлик Юрий Носов классика бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Шунингдек, у умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида эса қозоғистонлик Алма Махамбетова кумуш медаль соҳибига айланди.

Ёшлар ўртасида (U23) Данил Гайнуллин классик ва тезкор йўналишларда 2та кумуш медални қўлга киритди.

Бундан ташқари, 23 ёшгача бўлган эшитиш қобилияти заиф спортчилар ўртасида Қуаниш Сембаев кумуш, Ази Рамазон ва Балжан Жумағазиевалар бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақада Қозоғистон, Россия, Озарбайжон, Польша, Молдова, Латвия, Германия ва Туркиядан 60 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

**Хабар 24.**

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлебий* — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Қазиғурт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
*Сайрам* — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.
*Тулкибош* — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бирадарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 55466. Адади – 12350 нусха.

Буюртма: 1425.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.